


82,3(5УЭБ)

0-37

Оила қутубхонаси

ОИЛАМ БИЛАН ҲАР КУН БИР ҲАЁТ ДАРСИ ЎРГАНАМИЗ

Тарбия китоби



ОИЛА
КУТУБХОНАСИ



**ОИЛАМ БИЛАН ҲАР
КУН БИР ҲАЁТ ДАРСИ
ЎРГАНАМИЗ**

ибоежай иқтисадий язувогига

тингизовасын доғымдада

жосон айнада оңдохт йемуму

жекаларга макалалар берин.

Жоғары сандаид муассин?

Жонсонин соғлоси жетишкада же эз жетешкада

жонекъат

жердагай дондирившой ғиффаеви

жетекшиликка жонекъат оғон нуки нима?

жонекъат оғон нуки нима?

жонекъат оғон нуки нима?

жонекъат

ISBN 978-9985-0-2

«Sano-standart» нашриёти
Тошкент – 2017

УЎК: 392.3:173

КБК: 82.3(5)

О-37

Оилам билан ҳар кун бир ҳаёт дарси ўрганамиш
/ нашрга тайёрловчи: Мехинбону Муҳаммадиева.
Т.: «Sano-standart» нашриёти, 2017 йил. – 352 бет.

Оиланинг ҳузур - ҳаловат, саодат масканига айланниш
учун оиласид мазрифий сұхбатларнинг, ибратли савол-
жавобларнинг бундай масканда тез-тез бўлиб туриши кони
фойдадир.

Биз ҳам ажоддларимизнинг маънавий ҳазинасидан
сарабаб тайёрлаган ушбу китобни эътиборингизга тақдим
этмоқдамиз. Умидимиз – бу китобдаги ибратли ривоятлар,
пурматно ҳикматлар қалбингиздан чуқур жой олиб ҳаёт
йўлларингизда доим сизга ҳамроҳ бўлсин, оилангизга янада
файз бахш этсин.

Филология фанлари номзоди
Абдумурод Тилавовнинг
умумий таҳрири остида


Тақризчи:
Музаффар Чоршанбиев,
адабиётшунос

УЎК: 392.3:173
КБК: 82.3(5)

ISBN 978-9943-4882-0-5

© «Sano-standart» нашриёти, 2017

- Энг гўзал нарса нима?
- Одам. Чунки уни Аллоҳ таоло яратди.
- Энг тез нарса нима?
- Ақл. У ҳамма нарсани ортда қолдиради.
- Энг доно-чи?
- Вакт. Чунки ёлғиз вақтгина ҳамма нарсани ойдин-
лаштиради.
- Барча учун энг умумий нарса нима?
- Умид. Чунки У њеч вақоси йўқларда ҳам бор.
- Энг кучли нарса нима?
- Зарурият. Чунки У ҳамма нарсанинг устидан хукм-
ронлик қиласди.
- Энг қийин нарса нима?
- Ўзликни англаш.
- Энг осон нарса-чи?
- Бошқаларга маслаҳат бериш.
- Кимни баҳтли санааш мумкин?
- Жисмонан соглом, рухан хотиржам ва ўз истеъдо-
дини тарбиялай олган кишини.
- Баҳтсизликка дош беришнинг осон йўли нима?
- Ганимларнинг сендан-да ёмон ахволга тушиб қол-
ганинига гувоҳ бўлиши.



1-КУН. БОШҚАЛАРНИ КУЗАТМАНГ

Бир шаҳарчанинг марказида икки киши ширинлик сотарди.

Улардан бири донишманд зиёратига борди.

Суҳбат асносида унга савдоси яхши бўлмаётгани ва шу сабабли бу ерлардан кўчиб кетмоқчилигини айтди.

– Дўконингни нега ёпмоқисан ўзи? – деб сўради дошишманд.

– Менинг рақибим жуда иш билармон, шу туфайли шаҳарчадаги ҳамма унинг дўконидан савдо килади. Унинг маҳсулотларини сотиб олади.

– Ҳамма унинг молига харидор эканини қаердан биласан? – сўради донишманд.

– Жуда осон. Деразадан доим унинг дўконини кузатман.

– Бутун муаммо ва камчилик ҳам ана шунда. Агар шеригингни кузаттган вақтингни ўз ишинг учун сарфларгинингда эди, ҳозир сен ундан ўзиг бетган бўлардинг...

Рақибингизнинг нима қиласётганига эмас, ўз имкониятингизга диккат қилинг. Вақтни рақибингизнинг ютуқ ва камчиликларини ҳисоблашга эмас, балки ўз камчиликларигизни тузатиб, ютуқларни кўпайтириша сарфланг.

Газаб келганида ўзини тута олиш нажот тошишнинг энг улкан воситаларидандир. Инсон шу йўл билан динини ҳам, жисмини ҳам муҳофаза қиласди.

Бироннинг озорига бардош бериш хулқининг улуглигидандир. Ахлоки ёмон кимсадан узоқлашган яхши.

«Унаанул байан» китобидан

2-КУН. АЗРОИЛНИ (А.С.) ЭНГ КЎП ҲАФА ҚИЛГАН ВА ЭНГ КЎП ҚУВОНТИРГАН ЎЛИМ

Аллоҳ таоло Азроилдан (а.с.) сўрабди:

– Эй Азроил, неча асрлардан бери бандаларимнинг жонини олиш билан машгулсан. Айт-чи, кимнинг ўлими сени қайтуга солди?

– Ё Роббий! Ҳамма нарсани билгувчи зотсан. Бир сафар уммон узра сузуб кетаётган кема тўфонга учраб чўқди. Кемадаги барча инсонларнинг бир-бир жонини олдим. Навбат қўлидаги чақалогини сандикқа соглан, ўзи ҳам ўша сандикқа тушиб бир чўкиб, бир сув устига чиқаётган аёлнинг жонини олишга келди. Унинг жонини олдим, лекин сандик ичидаги онасиз қолган гўдакка жуда раҳмим келганди.

Аллоҳ азза ва жалла яна сўрабди:

– Кимнинг жонини олганингда севиндинг?

– Фалон ўлкада бир золим подшоҳ бор эди. Унинг дастидан ҳалқ, жуда азоб чекди. Унинг жонини олишга фармон келганда жуда кувонгандим.

Сизлар соҳиби Аллоҳ таоло Азроил (а.с.) дан:

– Эй Азроил! Ўша золим кимлигини биласанми? – деб сўрабди.

– Ё Роббий, албатта, Сен барча нарсаларни билгувчи зотсан. Мен билмайман.

– Ўша сен севиниб жонини олган золим, анча йиллар олдин жуда раҳминг келган чақалоқ эди.

«Эҳтимол, сизлар ёқтиргмаган нарса (аслида) ўзларингиз учун яхши, ёқтирган нарсаларингиз эса (аслида) ёмондир. Аллоҳ билур, сизлар эса билмассизлар» (Бақара сураси, 216-оят).

3-КУН. ОНА ҚАЛБИ

Бир йигит тошюрак маликага ошиқ бўлибди. Шунчалик қаттиқ севибдик, висол учун ҳамма нарсага тайёр экан. Тошюрак малика шарт қўйиди:

– Агар сен мени чиндан ҳам севсанг буни исботла! Менга онангнинг юрагини сугуриб олиб кел! Шунда мухаббатингта ишонаман, – дебди.

Йигит бироз вақт ўзини йўқотиб қўйиди. Сўнг эса ҳою-ҳаваси голиб келиб онасини ўлдиришга киришибди. Она бечора эса таслим бўлибди. Фарзанднинг баҳти учун жон фидо қилибди. Йигит онасини ўлдиргач, унинг юрагини сугуриб олибди. Уни бир рўмочлага ўраб йўлга отланибди.

Ноқобил фарзанд йўлда кетатуриб қаттиқ қоқилибди. Ўзи бир ёққа, қўлидаги юрак бошқа ёққа учиди. Йигит ногаҳон оғриқнинг заҳмидан «Онажон» деб юборибди.

Шу вақт тупроққа беланган, ҳали совиб улгурмаган она юрагидан ҳазин бир овоз келибди:

– Жоним болам, нима бўлди? Бирор жойинг оғридими?..

Ҳеч қачон ҳою-ҳавас учун бошқа нарсани қурбон қилма. Ҳар бир ишга ақлан ҳам назар сол. Сенга бу ёргу оламда ёр бўлиши мумкин бўлганлар сони талайгина, лекин сени дунёга келтирган ота-онанг яккаю ягона. Ҳеч ким уларнинг ўрнини босолмайди.

Ёр танлашда адашма, ёр билан ҳаётинг тўқис бўлсин. Бугун сени кимдандир, нимадандир жудо қилган ёр эртага ўзлигинги ҳам йўқ қилиб юборади.

4-КУН. АЛЛОҲ БАРЧА БАНДАЛАРИГА МЕҲРИБОН

Иброҳим (а.с.)нинг олдиларига бир мажусий:

– Корним оч, уйингда бир кун меҳмон бўлай, – деб келди. Иброҳим (а.с.) эса: «Мусулмон бўлсангтина сени меҳмон қилишим мумкин», деди. У одам буни истамай орқасига қараб кетди.

Шу пайт Аллоҳ азза ва жалла Иброҳим(а.с.)га ваҳий юборди:

– Нимага уни меҳмон қилиш учун динини ўзгартириш шартини кўйдинг? Ахир етмиш йилдан бери у мени инкор қиласди; мен эса унинг ризкини беряпман. Сен эса дини туфайли бир кун меҳмон қила олмадинг.

Иброҳим (а.с.) Аллоҳ таолонинг ваҳийини олгач, дарҳол ҳалиги одамнинг орқасидан югурди. Уни топиб уйига олиб келиб меҳмон қилди. Холатдан ҳайрон бўлган мажусий сўради:

– Эй Иброҳим, сен аввал мени меҳмон қилишни истамадинг, сўнг ўзинг ортимдан югуриб мени уйингта олиб келиб меҳмон қилдинг. Бунинг сабаби нима?

Иброҳим (а.с.) Аллоҳ таолонинг ваҳийини унга айтиб берди. Мажусий бундан жуда таъсирланди:

– Аллоҳ мен ҳақимда шундай дедими?! Менга ўхшаган уни инкор қилиб, ёлғонга чиқарган бир бандасини деб, сен каби унинг дўсти бўлган зотга танбех бердими?! Эй Иброҳим, мента динингни ўргат! Мен ҳам мусулмон бўлишини истайман! – деди.

Дунё инсонларни динглари, танлаган йўллари учун ҳукм чиқарилиб мукофот ёки жазо бериладиган қозихона эмас. Аксинча, дунё инсонлар ўз дингларини, ўз йўлларини хоҳлаганларича танлашлари мумкин бўлган имтиҳон майдонидир.

5-КУН. СҮНГТИ ПУШАЙМОН

Деразага осиб күйилган қафасдаги күш фақат кечалари сайранди.

Бундан ажабланган күршапалак ундан нега фақат кечалари сайраб кундузлари жим туришини сүради. Күш жавоб берди:

— Чунки мени кундуз куни сайраётганимни эшитиб тутиб олишди. Бундан хулоса чиқарыб, энди кундузи сайрамасликка қарор қилдим.

Күршапалак күшнинг жавобидан кулгиси келиб:

— Тўғри, лекин буни олдин ўлашибинг керак эди. Хозирги пушаймонинг эса сени кутқармайди, қайтандга сени пичоқ остига олиб боради, — деди.

Охирида пушаймон бўлмаслик учун бир ишни бошлишдан олдин қайта-қайта ўла. Зотан, сўнгги пушаймон ўзингга душман.

6-КУН. ИЛОН ТУХУМИНИ БОСГАН ТОВУҚ

Бир товуқ катак олдида турган илон тухумларини кўриб уларни устига ўтириб олибди. Буни кўрган қалдирғоч товуқقا қараб:

— Эй аҳмоқ товуқ! Йиртқич илонни дунёга келтириш сенга нимага керак? Зоро бу илонлар сал катталашса, аввал ўзингни еб кўяди-ку, — деган экан.

Ёмон ҳулқали инсонларга ёрдам бераман, уларни ўзгартираман, деб ўламанг. Аксинча, улардан узоқроқ юринг ва ёмонликларига қарши тадбирли бўлинг.

7-КУН. АҚЛНИ ЧАРХЛАШ

Ибн Сино мактабда ўқиб юрган пайтлари алгебра, геометрия фанларини ҳеч тушунолмас экан. Бир куни мактабдан қочибди. Уйига боришига уялиб ўйлдан ўтган карвонга кўшилиб олибди. Карвон бир ерда тўхтагач, карвонбоши ундан сув олиб келишини сўрабди. Ибн Сино кудук бошига бориб арқон боғланган чепакни сувга ташлабди. Чепак сувга тўлғач арқонни тортаётганида қараса арқон ўзи суртинаётган тошни кесяпти. Бундай ўиласа, оддий бир ил йиллар давомида тошларга суртина суртина тошни кесадиган ҳолга келибди. Ибн Сино «Бир арқон ҳадеб суртиниб тошни кесадиган бўлибди. Демак, менинг аклим ҳам чархланса алгебра ва геометрия масалаларини еча оларкан», деб тезда мактабига қайтган экан.

Ақлни чархлаш – аслида бирор ишни қилишида ҳар кимнинг ўзига бўлган ишончдир. Ишонинг, агар сиз ўзингизга ишонсангиз ҳамма нарса қўлингиздан келади.

Тили шириннинг оғайнилари кўп бўлади. Қадрини билган одам ҳалокатга юз тутмайди. Ҳар бир инсоннинг қиймати унинг гўзал адо этган иши билан белгиланади. Ким ўзини таниса, Яратувчисини танийди. Бахилга бир куни албатта ўлишининг, ортидан қолган мол-дунёсига эса кимдир меросхўр бўлиб қолишининг «хушхабар»ини бер.

«Унваанул байан» китобидан

8-КУН. АҚЛ БОЩДАМИ ЁКИ СОҚОЛДА

Испания қироли бир кун **күшни қиролликка** элчи юборди. Элчи ёш ва ақли бир аслзода эди. Элчининг ўшлиги **күшни давлат қиролига ёқмай**:

— Сизларнинг юртингизда одам йўқмики, қиролингиз менинг ҳузуримга соқолсиз бир йигитчани юборди, — деди.

Ёш элчи эса сокин бир ҳолатда:

— Афв этинг зоти олийлари, қиролимиз агар сизнинг ақл ва ҳикмат факат бир соқоллида бўлиши мумкин, деб фикрлашингизни билганларида, ёнингизга мени эмас, шубҳасиз, бир эчкини юборган бўлардилар, — деган экан.

Ақл инсоннинг илми, тарбияси, дунёқараши, мантиқ ва муҳокамаси билан ўлчанади. Асло ёши ва оқ соқоли билан эмас.

9-КУН. ЭЪТИБОР

Америкада электр токли стулга ўтиргизиб ўлдириш жазоси берилган бир жиноятычига ҳукм ижро этилишидан олдин сўнгти сўз берилди. У атрофига назар ташлади. Бир қанча кишилар унга қараб турибди. Қанчадан қанча мухбирлар кўлларида қалам билан у айтадиган сўзни кутмоқда. Расмчилар эса тинмай суратга олипти.

Шунда маҳбус:

— Биласизми, агар мен болалигимда хозиргидек эътибор кўрганимда эди, жиноятычилар курсисида ўтиргман бўлардим, — деган экан.

Агар болаларга яхши тарбия ва эътибор берилмаса, уларнинг катта булиб жиноятычига айланышлари ҳеч гап мас.

10-КУН. НОШУКР ҚАРИЯ

Ҳамма нарсадан шикоят килаверадиган қария бор экан. Тинмай нолийверар, ҳеч нарсадан мамнун бўлмас экан.

Бир йил унинг бояғидаги олмалар қийғос гуллаб, мўлкосил солибди. Буни кўрган кўшнилари унинг зиёратига чиқишиб:

— Кўшижон, энди хурсанддирсиз, ахир боянгиз кўп мева берди. Устига устак олмалар ҳам ширин, ҳам чиройли, — дейишибди.

Қария жавоб берди:

— Тўғри, ҳосил ёмон эмас, лекин бу йил энди молларимга бериш учун чириған олмалар йўқ, шундан хафа-ман.

Ичи қора инсонлар воқеаларнинг факат ёмон томонини кўришади. Улар учун доимо шикоятга баҳона топилади. Қалби пок инсонлар эса борига шукр қилишади. Катта-катта муаммолар ҳам уларни ғам-қайғуга солиб кўймайди. Улар доимо хунуккина чиганоқ ишидаги жавҳар дурини кўра олишади.

Бир ҳаким зотдан: «Одамни нима қаритади?» деб сўрашди. У зот: «Газаб, ҳасад ва ғам-гусса», деб жавоб берди.

11-КУН. ЁМОННИНГ ЁМОНИ

Машхур бир ўгри ўлим түшагига михланниб қолибди.

- Дунёдаги ҳамма одам менга лаънат айтади. Эй Робим, Сен мени афв эт, дея тинмай ёлворишибини бошлабди.

Үргининг ўғли отасининг ёлворишиларини эштишиб:

- Отажон, сиз ҳеч фам емант. Шундай қиласманки, сизни ҳар куни лаънат билан эмас, раҳмат билан эслашади, - дебди.

Отаси ўлгач, йигит ота касбини давом эттирибди. Шундай ўғирликлар қилибди, одамлар:

- Ё тавба, отасиям ўгри эди, лекин, барибир, Аллоҳ раҳматига олсин, инсоғли ўгри эди. Бу лаънати ўғли кирган уйини шип-шийдан қилмоқда. Ҳеч нарса қолдирмаяпти, - дейдиган бўлишибди.

Баъзан ёмон деб юрган одамдан ҳам ёмонроги учраб қолса, олдингиси қадрли бўлиб қолади. Лекин унумтманг, ҳар ёмоннинг бир яхшиси, ҳар яхшининг бир ёмони бўлади.

Оталар икки хил бўлади:

1. Тарбия этувчи оталар. Улар ҳар куни тарбия ёки ахлоқ асосларини фарзандларига уқтириб борадилар. Улар фарзандларининг хато қилишини кутиб ўтирумасдан тўғри йўлга соладилар. Бундай оталар кам, аммо уларнинг таъсири кўпдир.

2. Ахлоқ тузатувчи оталар. Улар хато содир бўлгунча юраверадилар, фарзандлари хато қилгандан кейингина ахволни тўғрилайдилар. Улар жуда кўп, лекин таъсиirlари ози.

Сен тарбия этувчи оталардан бўл, хатодан кейин уни тўғриловчи оталардан бўлма!

12-КУН. КУЛАРЮЗ

Бозорда икки одам асал сотар экан. Бирови бадқовок, асабий бўлиб, асалнинг энг тозасини олиб келар, кўшнисидан арzon сотишга ҳаракат қиласади. Лекин ҳеч ким унинг дўконига кирмас экан. Ҳамма қиммат бўлса ҳам кўшнисининг асалларини харид қиларкан. Кўшнисининг дўкони доимо харидорга лиммо-лим жананини кўрган сотувчи охири чидолмабди. Бу ишнинг сири нимада эканини билиш учун тажрибали бир савдоғарнинг олдига борибди.

Холатини савдогарга тушунтириб:

- Бу ишнинг сири нимада? – деб сўрабди.

Савдогар сотувчининг табассумдан бегона юзига қараб, шундай дебди:

- Эҳ болам, сен энг сифатли асални сотяпсану, лекин юзинг сирка сотяпти. Албатта, сенинг олдингта ҳеч ким келмайди-да.

Унумтманг, ҳаётда кулар юз, очиқ кўнгиллилик ва самимилик билан кўп нарсага эришиш мумкин. Чунки одамлар самимиш ва кулар юзли инсонларга талпинишади. Бадқовок, асабий инсонлардан эса иложи борича қочишади.

Солих салафларнинг биридан: «Яхшилик қилган кишиларингиз ўша яхшиликларингизни инкор қиласа газабингиз келмайдими?» деб сўрашди. У киши: «Мени хафа қилишларини кутиб ўтирумайман. «Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади», деган оят менга кифоя қиласади», деди.

13-КУН. УЧ ЙÜЛОВЧИ

Илм, Бойлик ва Шараф дўстлашиб сафарга чиқишибди
Манзилга етгач Илм дебди:

— Мен ана шу университетга кираман. Кутиб турсанг
лар ортга қайтаман.

Бойлик дебди:

- Мен мана бу кўшкка кираман, кутсангиз қайтаман.
Шараф дебди:
- Мен сизларга ўхшамайман. Менинг боришим бору
қайтишим йўк.

Инсон илми бўлмаса ҳам инсон! Инсон камбағал бўлса
ҳам инсон! Лекин инсоннинг шарафи, номуси, ўзлиги бўл-
маса, уни инсон дея аташ мушкул!

14-КУН. АКА-УКАЛАР

Қадим замонда икки ака-ука бўлган экан. Улар отала-
ридан мерос қолган ерда дехқончилик қилиб кун кўри-
шаркан. Ака уйланган, оиласи, ука эса ҳали бўйдоқ экан.
Ака-ука йил бўйи ишлар ва ҳосил фойдасини тенг икки-
га бўлишаркан.

Бир куни ука ўйланиб қолибди:

— Шунча пайтдан бери доим ҳосилни ва фойдани тенг
тақсимлаймиз. Аммо бу адолатдан эмас-ку. Акам ои-
ласи, болалари бор, улар кўпчилик. Мен эса ёлғизман.
Акамнинг эҳтиёжи менинидан кўпроқ.

Шундай қилиб ука ҳар кеча яширинча ўз омборидан
бир қоп буғдойни акасининг омборига таший бошлади.

Буни қарангки, ака ҳам ўйланиб қолибди:

— Менинч, бизнинг қилаётган ишимиз нотўри.
Укам билан ҳосилни тенг тақсимлаймиз. Лекин менинг оиласи, на болалари бор.
Уканинг қариганда эҳтиёжи кўпаяди, — деб у ҳам ҳар тун
шиширинча бир қоп буғдойни ўз омборидан укасининг
омборига таший бошлади.

Орадан йиллар ўтиби. Ака-укалар хайрон: ҳар кечада
бир қоп унни ўз омборларидан нариги омборга ташишса
ҳам, омборларидаги буғдой хеч қамаймас экан. Ахийри
бир тун ака-ука тўқнаш келишибди. Қарашса, ҳар иккисининг
қўлида ҳам бир қоп буғдой. Шунда икковининг
қўзи-қўзига тушиб бир бирини қаттиқ кучоқлаб оли-
шибди.

Ака-укачилик бу беминнат, ўзингдан кўп жигаринг
ҳақида қайгуришdir. Баъзида: «Акамнинг менга меҳри йўқ,
укам мени ёмон кўради», деган гапларни эшиштамиз. Унуманг,
айб акангизда ёки укангизда эмас. Сиз уни чин дилдан
қандай севсангиз, ишонинг, бир кун у ҳам сизни худди
шундай яхши кўради.

Баъзи ҳакимлар айтишди:

«Мол дунёси камайганига хафа бўлиб, умри озай-
ганига хафа бўлмайдиган кимсага ҳайронман.

Дунё ундан юз ўғирган, охират эса у томон юзлан-
ганига қарамай, ўзидан юз ўғирган нарсага қозланаб,
ўзига юзланган нарсадан юз ўғирган кимсага ҳам
ҳайронман».

Абӯдунё роҳимаҳуллоҳнинг
«Заммуд-дунё» китобидан.

15-КУН. ОЛТИН ТУХУМ КҮЯДИГАН ТОВУҚ

Бир товуқ олтгин тухум күй башлабди. Эгаси бунда бенихоя хурсанд бўлибди. Кунлар, ойлар ўтиб ҳалиги киши жуда бойиб кетибди. Аммо бора-бора кўзини бойлик хирси қоплаб олибди. Бойликка бўлган хирсида ўзини кўярга жой топа олмабди. Ахийри бир қароргат келибди. «Товукни сўйиб унинг ичидаги бор олтинларга эгалик қиласман. Ҳар кун битта олтгин тухумни кутиси юраманми?» – деб, товукни сўйибди. Не кўз билан кўрсинки товуқнинг ичидаги олтиндан асар ҳам йўқ экан.

Борига шукур қўлмаган ахийри боридан ҳам айрилади.

16-КУН. БАХТ НИМА?

Бир киши ҳақиқий баҳт нима эканини билишни истаб йўлга чиқибди. Машхур бир донишманднинг олдига борибди. Донишманддан: «Баҳт нима?» деб сўрабди. Донишманд ҳалиги одамнинг оғзига бир қошиқ тутқичини тишлатибди. Қошиқка икки томчи ёғ томизибди. Сўнгра: – Энди менинг саройимни айланаб кел, факат ёғни тўкма, – дебди.

Баҳт излаган киши оғзида қошиқ билан саройни айланаб келибди. Донишманднинг олдига келгач, донишманд унинг қошиғидаги ёғта қарабди:

– Їш, ёғ тўклимаган. Энди айтчи, саройим сенга ёқдими? Сенингча, ундаги энг гўзал жой қаер экан? – деб сўрабди.

Киши ёғни тўкмаслик учун бутун дикқатини ёғга бериб саройга қарамаган экан. Саволга жавоб беролмабди. Сўнг донишманд қошиқ ва ундаги ёғ билан яна:

– Бор, саройимни айланаб кел! Ёғни тўкма! Лекин келишингда менга саройимнинг энг чиройли жойи қаерлигини билиб кел, – дебди.

Киши яна оғзида қошиқ билан сарой айланабди. Энди у саройнинг ҳар бир бурчагига эътибор билан қарап, қаер энг чиройли экани ҳақида фикр юритарди. Ахийри донишманднинг олдига қайтибди. Тўлиб-тошиб унга саройидаги энг чиройли жойлар ҳақида айтиб берибди. Донишманд ундан: «Ёғ қани», – деб сўрабди. Киши қараса ёғ аллақаҷон тўқилиб бўлган экан. Донишманд дебди:

– Дунёдаги мажбуриятларинг ёғ мисоли, сарой эса дунё лаззатлари. Агар ёғни тўкмай саройни айланада сўнг, сендан баҳтлиси бўлмайди.

Ҳақиқий баҳт – бурч ва мажбуриятларга эътиборсиз бўлмаслик, айни вақтда дунёдан ҳам лаззатлана олишидир.

17-КУН. СУҚРОТНИНГ СИНОВИ

Шогирдларидан бири Сукротдан сўрабди:

– Бир кун бўлса ҳам сиздан дарс олишини истаб келган одамларни нега ҳовузга олиб бориб, нимани кўраётганларини сўрайсиз? Бу ишнинг шогирдликка қандай алоқаси бор?

Сукрот жавоб берибди:

– Бу бир имтиҳон. «Ҳовузда сузуб юрган балиқларни кўрдим», деганларни шогирдликка оламан. Ҳовузда ўз аксидан бошқасини кўра олмаганларни эса изига қайтараман. Чунки улар ўзларига маҳлие бўлган инсонлар. Уларнинг мендан ўрганадиган њеч нарсалари йўқ.